ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ — 2-бет
KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI — 3-4-5-6 бетлар
«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 7-бет
БИЛИМИНГИЗНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИНГ — 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 40 (10.093) / 2004 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **ЭРТАГА** Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилади.

● **КЕЧА** 197-мактабда ўқувчилар иштирокида ташкил этилган илмий-амалий анжуман «Диний экстремизмга қарши кураш» деб номланди. Ушбу тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **БУГУН** Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Лутфий номли маҳаллада жойлашган Глиэр номли маданият уйида ўтказилган давра суҳбати «Меҳр қолур — муҳаббат қолур» деб номланди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда ёш ўқувчи қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш мақсадида бадминтон, стол тенниси, шахмат-шашка спорт турлари бўйича ташкиллаштирилган мусобақаларнинг Акмал Икромов туман якуний босқичи бўлиб ўтди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманида жойлашган «Нақкошлик» маҳалласидаги «Ибратли келин» ўқув маркази ташаббуси билан маҳаллада «Ёш оналар мактаби» ташкил этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## Ёшлар — келажагимиз



***Униб-ўсиб келаётган ёшларни соғлом, маънан баркамол, ақлан тийрак, зеҳнли ва идрокли қилиб вояга етказиш, бу йўлда уларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз томонидан амалга оширилаётган энг муҳим ва устувор йўналишлардан бирига айланган.***

«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Юртбошимизнинг ушбу эзгу тилаклари шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир ёш қалбини фахр-ифтихорга, ғурурга тўлдириши, эртанги кунимизнинг равнақи йўлида камарбаста бўлишга чақириши шубҳасиздир. Бу йўлда ташланган илк қадамларнинг ижобий натижаларини эса биз бундан икки ярим йил аввал ёшларни бирлаштириш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, иқтидорларини юзага чиқариш, муаммо ва камчиликлар ечимини ҳал этиш, қисқаси уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ҳимоя қилишни кўзлаб ташкил этилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида кўришимиз мумкин.

Бугун ўз сафига кўплаб ёшларни бирлаштирган, том маънода уларнинг яқин кўмакчиси ва таянчи бўлиш учун ҳар бир ўқув юрти, институт, корхона ва ташкилотлар орасига кириб бораётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг ўтган икки ярим йил вақт мобайнидаги фаолияти сарҳисоб қилинмоқда.

**Газетамизнинг 3, 4, 5, 6-саҳифаларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳаёти ҳақида ҳикоя қиламиз.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасида ердан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган семинар бошланди.

● Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти совринi учун ўтказилаётган анъанавий «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

● Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишга қаратилган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

● Германия Федератив Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида «Ўзбекистонда Германия ташкилотларининг фаолияти» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

● «Когонёғ» ҳиссадорлик жамияти Меҳр ва мурувват йилида болажонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тумандаги 3-ўрта таълим мактабини оталиққа олди. Йил давомида мактабда таъмирлаш ишлари, спорт зали қурилиши ва спорт анжомлари билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак бериш ишлари амалга оширилади.

### Жаҳонда

● Босния ва Герцеговинанинг Мостар шаҳри яқинида Македония Республикаси Президенти Борис Трайковскийнинг «Бичкрафт-200» самолёти ноқулай об-ҳаво шароити туфайли ҳалокатга учради. Маълумотларга кўра, ҳалокат чоғида самолётдаги 9 кишининг барчаси ҳаётдан кўз юмган.

● Германия канцлери Герхард Шрёдер мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш борасидаги ташаббуси аҳоли томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини билдирди.

● Ливан Бош вазири Рафиқ Ҳаририй Саддам Ҳусайн даврига тегишли 500 миллион АҚШ долларининг Ироққа қайтарилишига ваъда берди. Ҳаририйнинг таъкидлашича, Ироқ вақтинчалик бошқарув кенгаши мазкур маблағнинг ўтказилиши қонуний бўлишини кафолатлаши лозим.

● Покистон ҳукумати томонидан «Ал-Қоида» ва «Толибон» террорчи ташкилотларини бартараф этиш учун ўтказилган операция муваффақиятли якунланди. Маълумотларга кўра, Афғонистон билан чегарадош Ван шаҳри тоғли ҳудудида яшириниб юрган 25 нафар «Ал-Қоида» жангарилари қўлга олинди.

● Россиянинг Ростов-Дон шаҳрида ноқонуний сақланаётган 785 килограмм миқдоридаги симоб моддаси топилган. Унга эгалик қилиб келганлар чечен миллатига мансублиги аниқланди.

## Ўзбекистонга эътибор

***"Bureau Times" журнали Ҳиндистоннинг халқаро масалаларни ёритишга ихтисослашган нуфузли нашрларидан бири ҳисобланади. Яқинда унинг навбатдаги сони нашрдан чиқиб, ўқувчилар қўлига етиб борди.***

Журналнинг ушбу сонида Ҳиндистон президенти Абдул Қалам, вице-президенти Б.С.Шекҳават, бош вазири А.Б.Важпаи, бош вазир ўринбосари К.Л.Адвани сингари сиёсий арбобларнинг мамлакат олдида турган долзарб ички ва халқаро масалалар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ўрин олган. Шунингдек, унда Ҳиндистоннинг Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар, жумладан, Буюк Британия, Италия, Германия, Франция сингари ривожланган давлатлар билан ўзаро алоқаларига бағишланган саҳифалар ҳам мавжуд.

Эътиборли томони шундаки, журнал жамоаси мазкур сонда Ҳамдўстлик давлатлари орасидан фақат мамлакатимизга алоҳида аҳамият бериб, "Ҳиндистон ва Ўзбекистон" сарлавҳали қўш саҳифани эълон қилган. "Муносабатлар" ("Relations") рукни остида қатор рангли суратлар билан чоп этилган ушбу мақолада Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорлик йўлидаги муҳим ташаббус ва саъй-ҳаракатлари, халқаро ҳамкорлик риштатлари, қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Шуни таъкидлаш жоизки, журнал мамлакатимиз мавзусига илк бор мурожаат этаётгани йўқ. "Bureau Times" ўзининг 2002 йил апрель ойи сонини тўлалигича Ўзбекистонга бағишлаган эди.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири,**
**Деҳли**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Мен уч фарзандим билан бир хонали уйда истиқомат қиламан. Эрим билан ўзаро келишмовчилик туфайли ажралиб кетганмиз. Лекин биз яшаб турган уй эримнинг номида. У судда уйни ўғилларимдан бирининг номига ўтказиб бериб, рўйхатдан ўчиб чиқиб кетаман деб айтган эди. Мана орадан бир йил ўтди ҳамки у рўйхатдан ҳам ўчмади ёки коммунал тўловларини тўлашда ёрдам ҳам бермади. Уни мажбуран чиқариб юборишнинг иложи борми?**

**Г.Абдуллаева, ҳамшира.**

Эрингизнинг уйга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини ҳеч ким тортиб ололмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 225-моддасида бу белгилаб қўйилган. Чунки уй унинг номида. Сиз ўз улушингизни мулкни бўлиш орқали олишингиз мумкин. Тўлов пулларини уйдан фойдаланганлик учун сиз ва эрингиз тўлаши лозим.

* * *

**Таълим кредити кимларга берилади?**

**Ф.Асқаров, талаба.**

Маълумки ёшларнинг таълим олиши учун янада кенгроқ имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида 2001 йил 26 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида қабул қилинган Низомда таълим кредитлари бериш тартиби, муддатлари, шартлари, имтиёзли ҳолатлар батафсил баён этилган.

«Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги Низомга асосан, таълим кредитлари тижорат банклари томонидан кредитни қайтариш, тўловнинг таъминланганлиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида олий ўқув юрти мусасаларининг кундузги бўлимига ўқишга кирган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, талабанинг ўқиши учун талабанинг ўзига, унинг ота-онаси ёки васийларига берилиши мумкин.

Таълим кредити Олий ўқув юртида ўқиш даврини ҳисобга олган ҳолда бакалавриатга қабул қилинган талабаларга 10 йил, магистратурага қабул қилинган талабаларга 5 йил муддатга берилади. Агар талаба ўқиш даври давомида муддатли ҳарбий хизматга чақирилса, хизматни ўташ даври юқорида белгиланган муддатга кирмайди.

* * *

**Мен мактабни тенгдошларимдан олдинроқ битираман, яъни 5 ёшимдан мактабга борганман. Агар олий ўқув юртига кирадиган бўлсам паспортим бўлиши керак, менда эса йўқ. Ёки бунинг бирон йўли борми?**

**Д.Мухсимова, ўқувчи.**

Агар сиз ёшингиз паспорт олишга етмагани учун уни олмаган бўлсангиз, ўз шахсингизни тасдиқловчи туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома билан ҳужжатларингизни топширсангиз бўлади. Ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳолат бунга монелик қилолмайди.

# БАНК ВА ФОНД БОЗОРИ

***Ўзбекистон Банклари ассоциациясида «Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

Семинарни ўтказишдан кўзланган мақсад республика банкларининг фонд бозоридаги ишини фаоллаштириш ва тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари самарадорлигини оширишдан иборат.

—Республика иқтисодиётининг муайян тармоғи корхоналари зарур молия ресурсларини жалб қилиш учун қарз олишнинг янги турларини тобора кўпроқ қўлламоқда, шу жумладан, қимматли қоғозлар бозорининг самарали механизмларидан фойдаланмоқда. Тижорат банкларида эса бундай корхоналарга янги молиявий воситаларни ўзлаштиришда кўмаклашиши керак, — деди ўз чиқишида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш илмий-тадқиқот институти директори И.Бутиков.

Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш бўйича бирламчи чора-тадбирлар орасида тижорат банкларининг мамлакатимиз фонд бозоридаги ролини ошириш алоҳида ўрин тутади. Бундан ташқари, тобора кучайиб бораётган рақобат, кўпгина анъанавий банк хизматларидан тушаётган даромаднинг камайиб кетиши тижорат банкларини қимматли қоғозлар бозорида ўз фаолиятини кучайтиришга мажбур қилмоқда.

***Пойтахтимиздаги «DEDEMAN Silk Road» меҳмонхонасида АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг фуқаролар манфаатларини қўллаб-қувватлаш дастури (CASP) грантларига сазовор бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар лойиҳаларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Жамоат назоратига асосланган ташкилотларнинг жамиятимиздаги роли тобора юксалмоқда.

Истиқлол йилларида нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий жамғарма ва муассасаларнинг иш юритиши учун кенг йўл очилгани боис юртимизда айни вақтда 3,5 мингдан ортиқ шундай ташкилот иш олиб бормоқда. Уларнинг фуқаролар ва юртимиз манфаатларини ҳимоя қилиш ва айрим муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган саъй-ҳаракатлари шу йўналишда иш юритувчи халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

CASP ҳам демократик маданиятни мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар учун муҳит яратиш борасида иш олиб боради. Фуқаролар ва нодавлат нотижорат ташкилотларни ташвишга солаётган масалаларни ечиш борасида уларга ўзининг грантлари билан кўмаклашади. CASPнинг фуқаролик жамият манфаатларини ифодалашга қаратилган навбатдаги танловида мамлакатимиздан 15 нодавлат нотижорат ташкилот иштирок этди. Танловда аҳоли учун энг зарур тадбирларни амалга оширишни кўзда тутган тўртта лойиҳа мазкур ташкилотнинг грантига сазовор бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси Акмал Саидов, АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Роберт Пурнелл иштирок этди.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири**

*Фестиваллар*

# ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

***Юртимизда 2000 йилнинг октябрида «Ўзбекистон—Япония Маркази» ташкил этилганлиги барчамизга маълум. Ушбу марказ Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ўртасидаги ўзаро келишув асосида ташкил топган эди. Расман эса марказ 2001 йил 21 августдан Халқаро Бизнес маркази биносида ўз фаолиятини бошлаган. Таъкидлаш жоизки, бундай хайрли ташаббуснинг мақсади Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш учун кадрларни тайёрлаш ва Япония—Ўзбекистон давлатлари орасида дўстлик алоқаларини чуқурлаштиришга йўналтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон халқига Япониянинг маданияти, иқтисоди ва урф-одатларини таништиришга кўмаклашмоқда.***

Ёшларнинг кунчиқар мамлакат тарихи ва бугунги куни ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашда бу ерда ўтказиладиган мусобақа-ю танловлар муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, марказ бизнес курслари (ўқув), япон тили курслари (ўқув), ахборот ва маданият борасидаги ҳамкорликлар юзасидан фаолият олиб бормоқда.

—«Ўзбекистон-Япония Маркази» барча учун очиқ фаолият юритади. Асосан марказга ташриф буюрувчиларни ўқитувчи, ўқувчи, талабалар, шунингдек, бошқа соҳа етакчилари ташкил қилади,—дейди япон тили ўқитувчиси Баҳодир Убайдуллаев.

Яқинда, ушбу марказда Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейи, шарқ тиллари академик лицейи, тарих ва шарқ тиллари академик лицейи ҳамда «Ўзбекистон—Япония Маркази» (UJC) болалар гуруҳи иштирокида «Япон тили фестивали» ташкил этилади.

Япон тили фестивали ташкилий ишлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилди. Мазкур фестивалдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг Кунчиқар мамлакат ҳақида тушунчаларини кенгайтириш, япон тили фани юзасидан билим савияларини кўтариш ва ниҳоят болаларнинг вақтларини мароқли ўтказишдир. Фестиваль қатнашчилари тўрт шарт бўйича ўзаро куч синашишди. «Япония харитасини чизиш», «Тўғриси қайси?», «Бу нима?», «Бу қанча туради?», япон ўйинлари—«Охаши», «Ванаге», «Кендама», «Ростми ёки ёлғонми?» мавзуларидаги шартлар бўйича барча лицей ўқувчилари ўз зукколикларини намойиш этдилар.

● **Олим Аҳроров, фестиваль қатнашчиси:**

— Менга айниқса «Охаши» ўйини жуда ҳам ёқди. Ушбу шартда ўқувчининг маҳорати муҳим аҳамият касб этди. Фестивалда фақат япон тилида сўзлашилганлиги ёшларнинг мазкур тил ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради, деб ўйлайман. Шунингдек, Ўзбекистон ва Япония маданиятлари, анъаналари, дини ва техникаси ҳақида анчайин катта маълумотларга эга бўлдим.

Фестивалда биринчи ўрин «Ўзбекистон-Япония Маркази» Болалар гуруҳига, кейинги ўрин эса Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейига насиб этди.

**Юлдуз УСМОН**

***Нафақат ҳар бир қиз-жувон, балки эркаклар ҳам чиройли, ораста бўлишни хоҳлайди, албатта. Бу борада малакали уста-сартарошлар хизматидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Худди шундай усталар Чилонзор туманидаги «Муқаддамхон» гўзаллик салонида ҳамшаҳарларимизга сидқидилдан хизмат кўрсатмоқдалар.***

*Маиший хизмат*

# ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

2002 йилда иш бошлаган мазкур гўзаллик салонида иш юритаётган 20 нафар ходимлар ўз ишларининг моҳир усталари бўлиб, бу ерда мижозларга олий даражада хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Салон заллари чиройли, дид билан безалган, доимо саранжом-саришта.

— Салонимиз жамоасининг шиори хушмуомалалик бўлиб, ҳар бир устадан мижозга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда малакали хизмат кўрсатиш қатъий талаб қилинади, — дейди «Муқаддамхон» гўзаллик салони раҳбари Омон Ойдинов.

Касбининг сир-асрорларини мукаммал эгаллаган жамоанинг 10 нафардан ортиқ уста сартарошлари мижозлари сафини кенгайтириш, янгилик яратиш йўлида доимо изланишда. Улардан аёллар сартарошлари кўплаб доимий мижозларига эга. Шаҳримизнинг турли бурчакларидан уларга соч кестириш ва турмаклаш учун навбат кутишади. Жумладан, 17 йиллик иш тажрибасига эга бўлган уста сартарош Дилшод Каримқулов, Лена Авасапова, Марғуба Исажоновалар ҳам мижозлар дидига мос соч турмакларини тавсия этадилар.

Шунингдек, олий тоифали усталар — Наталья Цой, Камолхон Мухторов каби эркаклар сартарошларининг ҳам маълум бир йўналишлари ҳамда замонавий услублари мавжуд бўлиб, 7 дан 70 ёшгача бўлган эркаклар уларнинг меҳнатларидан мамнун.

Эътиборли томони шундаки, ушбу салонда мижозлар хоҳиш-истаклари инобатга олиниб, олий тоифали косметологлар хизмати йўлга қўйилган. Улардан Елизавета Цой юз терисини парвариш-лаш, ундаги доғларни кетказиш, турли ниқоблардан фойдаланиш, уқалаш каби малакали мутахассис хизматларини ўзгача хушмуомалалик билан амалга оширмоқда.

Гўзаллик салонида мижозларга маникюр, педикюр ҳам тавсия қилинади. Бунда ҳар бир мижознинг ёши, касби, юз тузилиши каби кўплаб сифатлари эътиборга олинади. Шу сабабдан бўлса керак, бир марта салонда бўлган мижоз бошқаларга ҳам мазкур гўзаллик салони усталарининг хизматидан фойдаланишни тавсия этадилар.

Бу ерда «Уста-шогирд» йўналишида ҳам самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Сартарошлик касбига жуда қизиққан, унга меҳр қўйган зеҳнли ёшларга усталар касб-корларининг сир-синоатларини эринмай кунт билан ўргатадилар. Бугунги кунгача гўзаллик салонининг тажрибали усталари 30 нафардан ортиқ йигит-қизларга иш ўргатдилар. Улардан баъзилари ҳозирда шу ерда устозлари билан елкама-елка меҳнат қилмоқдалар.

Масалан, уста сартарошлардан Холида Қосимова, Феруза Анварова сингари шогирдлар иш ўрганмоқдалар. Улардан ташқари Азиза Ҳабибуллаева, Алла Ҳамзаева каби 3-4 нафар ёшлар 2-3 ой мобайнида малакали ходимлардан тажриба орттириб келажакда иш жойларига эга бўлиб, доимий мижозлар орттиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда салон ходимлари ишларини тўғри йўлга қўйганлар. Мижозларга чегирмалар қилинади, уларнинг соч турмакларини ўзгартирибгина қолмай, ширинсуханликлари билан қалбларига ҳам гўзаллик, илиқлик, меҳр-мурувват олиб киришга интиладилар. Зеро, Меҳр ва мурувват билан ҳар бир халқ юртимизнинг қалби эзгуликка тўлиқ бўлсин.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# Қамолот

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг саҳифаси

**«Камолот» ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин**

***Ислом КАРИМОВ***







**Республикамиз Мустақилликка эришгандан сўнг ҳар бир соҳада чуқур ислоҳотлар олиб борилмоқдаки, бу албатта шу жамиятда яшаб, меҳнат қилиб, илм олаётган, турмуш тарзининг янада яхшиланиши ва ривожланишига ҳисса қўшиш ниятида бўлган ҳар бир шахснинг ҳаётида ўз аксини топмоқда. Жумладан, ҳар томонлама шарт-шароит, кенг имкониятлар яратиб берилаётган ёшларнинг хоҳиш-иродаси асосида, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ягона мақсад атрофида бирлаштириш ниятида иш бошлаган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топганига ҳам бугун икки ярим йил тўлди. Юртбошимиз томонидан қўллаб-қувватланган ва «Камолот» ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» деб тилак билдирилган ушбу ташкилот бугун илк бор ўз фаолияти хусусида ҳисоб бермоқда. Биз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг ҳисобот-конференцияси олдидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ билан суҳбатлашиб, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгашларида бўлиб ўтган ҳисобот-конференциялари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.**

### Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ:

## «ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ, ҚИЛАДИГАН ИШЛАРИМИЗ ЭСА КЎП»

— 2001 йил 25 апрелда Таъсис қурултойи қарори билан «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати, яъни ўзини-ўзи бошқарадиган нодавлат, нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини бошлаган эди. У бугунги кунда Республика миқёсидаги йирик ташкилот сифатида шаклланиб, ўз атрофига миллионлаб соғлом фикрли ёшларни бирлаштира олди. Айтиш мумкинки, бу ўтган вақт жуда қисқа кўринсада, ўз мақсади йўлида ташкилот анча-мунча ишларни амалга оширди ва келгусига ҳам аниқ, пишиқ-пухта режалар белгилаб олинган. Шу ўринда туман Кенгашларида бўлиб ўтган ҳисобот-конференциялари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи марта ўз тенгдошлари, маслакдошлари олдида ҳисоб берган «камолот»чилар чуқур ҳаяжонда, кўтаринки кайфият билан бу кунни кутдилар. Туман Кенгаши раислари қилинган ишлар, амалга оширилган вазифалар, камчилик ва нуқсонлар, келгусига мўлжалланган юмушлар ҳақида имкон қадар тўлиқ маълумот беришга ҳаракат қилдилар. Уларнинг ёшликлари, ҳаёт тажрибалари ҳали етарли эмаслигини ҳисобга олган ҳолда уларни тушуниш мумкин. Лекин менинг фикримча, конференцияга ташриф буюрган ҳар бир ёш, делегатлар ўзлари учун тўлиқ, аниқ хулосалар билан қайтишлари лозим. Қачонки ҳали ёшлар орасида «Камолот»ни чуқур билмайдиганлар ҳам борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳисобот «Камолот» ташкилий тузилмаси, конференция, ижроия қўмита нима деган саволларга жавоблардан бошланиши керак. Туманда қанча аҳоли бор, шулардан неча фоизи ёшлар ва шу ўтган 2,5 йил ичида аъзоликка қанча ёшлар қабул қилинди? Кўрсаткичлар ёшларнинг ушбу ташкилотга қанчалик жалб қилинаётгани ва бирлашаётганини кўрсатади. Энг устувор йўналиш ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш экан, конференциялар орасида бўлиб ўтадиган кенгаш йиғилишлари ҳақида тўхталиш лозим. Йиғилишда қандай масалалар кўриб чиқилди, у ижтимоий масаламi ёки бирон кўмакка муҳтож талабага аниқ ёрдам кўрсатилдими? Ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори юзасидан бўлдими? Ахир қарорлар деганимизда биз қайсидир долзарб аҳамиятли масала кўриб чиқилиб, нимадир яхшиланиши учун қабул қилинган қарорларни тушунамиз. Шундан келиб чиққан ҳолда «Камолот» ҳам ёшларнинг ҳаётини яхшилайдиган, озгина бўлсада енгиллаштирадиган, муаммолар ечимини камайтирадиган қарорлар қабул қилиши керак. Иш ва тадбирлар ўтказиш режаларида бу ўз аксини топиши лозим.

**Давоми 4-5-бетларда.**

## «КАМОЛОТ»НИНГ ОЛТИН ПИЛЛАПОЯЛАРИ

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири:**

—Бугун мамлакатимизда чинакам маънода ёшларга қанот берилмоқда. Буни биз сиз ёшларнинг иқтидорингиз тўла рўёбга чиқиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар мамлакатимиз пойтахтида ҳам, олис қишлоқларда ҳам яратиб берилаётганида кўриб турибмиз. Бу қурилган муҳташам академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, спорт иншоотлари Президентимиз, халқимизнинг сизга бўлган меҳри, ишончининг рамзи ҳамдир. Биласиз, бундай кошоналарда таълим олиш, компьютер технологиялари, Интернет тизими ва ҳоказо замонавий қулайликлардан унумли фойдаланиш жаҳондаги анчагина тенгдошларингиз учун ширин бир орзу, бизнинг ёшлигимиз учун эса, ушалмас армондир. Буни ҳамиша ёдда тутишингизни истардим.

Ватанимизнинг Сиз — навқирон авлод вакилларидан умиди чексизлигини ҳеч қачон унутманг, кам бўлманг, бахту иқбол сизга ёр бўлсин! Буюк боболаримизга муносиб ворис ва Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш йўлида ақлий, жисмоний ва руҳий камолотнинг олтин пиллапояларидан тобора юксалиб, энг олий мурод — мақсад манзилларига етиш барчангизга муяссар бўлғай!

## ФАХР ВА ҒУРУР УЙҒОТСИН

**Рапижон ҚУДРАТОВ,**
**Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ректори:**

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг том маънода ҳукумат ва ёшлар ўртасидаги ўзига хос кўприк, уларни боғлаб турувчи муҳим бўғинга айланганлиги кишини жуда қувонтиради. Ташкилотнинг ёшларни ҳар жабҳада фаолликка чорлаш, ўз истеъдоди ва иқтидорларини тўлиқ намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, соғлом ҳаёт кечиришга, жисмонан ва маънан комилликка интилишга даъват этиш борасидаги ишлари эътиборга моликдир.

Келажак авлодни соғлом қилиб тарбиялаш, аҳолининг барча қатламлари орасида спортни оммалаштириш учун «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими институтимиз билан ҳамкорликда кўплаб ишларни амалга оширмоқда. «Ёшлар» телеканалининг «Мунаввар тонг» дастури орқали ҳар куни бериладиган эрталабки бадантарбия машқлари роликлари, «Пойтахт-Информ» радиоси орқали мунтазам эфирга узатиладиган тонгги гимнастика машғулотлари саҳифаси, мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган гигиеник гимнастика машқлари мажмуалари акс этган плакатлар шулар жумласидандир.

Ёшларни эзгу ғоялар атрофида бирлаштиришга бел боғлаган «камолот»чиларга янги авлодни янгича руҳият, фараҳбахш ғоялар билан баҳраманд этиш каби улуғ ва масъулиятли ишларида муваффақият ва зафарлар тилайман. Ниятим яқин келажакда бугунги ёшлар юртимизнинг ҳақиқий таянчига айланганда, мамлакатимиз ривожи, миллатимиз равнақида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг тутган ўрни ва бажарган ишлари хусусида фахр ва ғурур билан эслашсин.

## СЎЗ — ДЕЛЕГАТЛАРГА

**Муҳаббат МУЗАФФАРОВА,**
**Шайхонтоҳур туман Болалар ташкилоти раиси:**

— 2001 йил апрель -май ойлари нафақат республикамиз ёшлари, балки пойтахтимиз ёшлари учун ҳам эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг куч-ғайратлари, ақл-заковатларини намоён қилишларига кўмаклашишга йўналтирилган, бошқача қилиб айтганда, ёшларимизнинг чинакам таянчи ва суянчи бўла оладиган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилди. Бу ҳаракат нафақат 14-28 ёшгача бўлган ёшларни, балки 7-14 ёшгача бўлган болаларни ҳам ўз ичига қамраб олди. Бугунги кунда пойтахтимиз ҳудудидаги барча мактабларда болалар ташкилоти ўз фаолиятини олиб бормоқда. Қувонарлиси шундаки, 2002 йил 30 майда бўлиб ўтган болалар ташкилотининг биринчи анжуманида «Камалак» деб ном олган болалар ташкилоти меҳрибонлик ва мурувват уйларида ҳам очилмоқда.

Бугунги кунда ёшларимиз, хусусан болаларимизда ижобий хислатларни шакллантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бой маданий меросимизга бўлган ҳурматни ошириш борасида ташкилот томонидан турли хил тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Мен фурсатдан фойдаланиб пойтахтимиз ёшларига, жумладан болаларга орзу-умидлари амалга ошишида куч-ғайрат, доимо кўтаринки кайфият, мустаҳкам соғлиқ ва тинчлик тилайман. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати нуфузини оширишда, уни ривожлантиришда муваффақият ва омад доимо ёр бўлсин!

# Ёшлар — келажагимиз



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши 2001 йилнинг 7 май куни ташкил топди. Унинг таркибига ўз сайлов органларига эга бўлган 11 та туман бўлимлари киради. Корхона, ташкилот, муассасаларда бошланғич ташкилот тузиш жараёни 2001 йил 1 июндан бошлаб шу кунгача давом этиб келмоқда. Ҳаракатнинг шаҳар ва туман бўлими Кенгашларида бугунги кунда 57 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. Кенгаш раҳбарлари ва етакчиларнинг кадрлар захираси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Жами корхона, ташкилотларнинг 56,3, бошқа ташкилотларнинг 31,1 фоизида, мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг 100 фоизида бошланғич ташкилотлар тузилган. Шаҳардаги 450 та маҳаллаларнинг барчасида ёшлар билан ишлаш комиссиялари ташкил этилган. Тошкент шаҳар ҳокимининг таклифига асосан ёшлар билан ишлаш комиссияси раисига маҳалла оқсоқоли ўринбосари мақомини бериш тўғрисидаги масала тўлиқ амалга оширилган. Маҳаллаларда сардорлар ва посбонлар фаолияти йўлга қўйилган. Ҳаракат ҳомийлигида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни бирлаштирувчи Болалар ташкилоти фаолият юритмоқда. Болалар ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими 2001 йилнинг 15 июнида, август ва сентябрь ойларида эса унинг туман бўлимлари ташкил топди. Болалар ташкилоти Ҳаракатнинг жамоат ташкилоти ҳисобланиб, у ёш авлодни соғлом ва билимдон қилиб Ватанга, Мустақиллик ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган. Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси — болаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ёшларни ўз Ватанининг содиқ фуқаролари қилиб тарбиялашдир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши фаолиятининг илк кунларидан бошлаб қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларни ўз Ватанининг асл фарзанди қилиб тарбиялаш, улар қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, миллий қадриятлар ва урф-одатларимизни англаб етишларига кўмаклашиш, Конституция, қонунлар ва ҳукумат қарорларини ҳурматлаш ва уларга амал қилиш, жамиятда қонуннинг устувор бўлишига эришишда фаол қатнашиш, уларнинг ўз ҳуқуқларини тўла англаб етишларига, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, динга бўлган муносабатларини Республика қонунлари доирасида шакллантиришга ҳамда иқтидорли кадрларнинг истеъдодини юзага чиқариш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш каби қатор устувор йўналишлар доирасида иш олиб бормоқда. Айниқса ўсиб келаётган ёшлар орасида ишсизлик, жиноятчилик, гиёвандлик ва диний экстремизм каби иллатлар тарқалишининг олдини олиш, ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишларини ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда «Посбон» маркази ташкил этилди ва улар бугунги кунда муваффақият билан иш олиб бормоқда. Ёшларнинг экологик билимларини ошириш ва уларнинг экологик ҳаракатини ривожлантириш, ёзги дам олишларини мазмунли ташкил этиш, халқаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, «Меҳр ва мурувват» дастури доирасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида эса алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин. Қисқаси «Камолот» ЁИҲнинг асосий мақсади: ёшларни бирлаштириш; соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш; ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш; ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этишига кўмаклашиш; жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган.



## Йиллар сарҳисоби

### 2001 йил

• 23 июнь куни «Пахтакор» стадионида ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг «Истиқлол умидлари» деб номланган ўзбек эстрадаси юлдузлари иштирокидаги шоу-дастури намойиш этилди.

• 9 августда Шайхонтоҳур туманида жойлашган 15-махсус спорт мактабида шахмат-шашка мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Бу мусобақа ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда.

• 27 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

• 2 декабрь куни «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида Ўзбекистоннинг мусиқа санъати соҳасига кириб келаётган ёш истеъдодларнинг «Умид юлдузлари» 1-шаҳар фестивали тақдимоти ўтказилди. Унда 20 нафар иқтидорли ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

### 2002 йил

• 8 январь куни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида ёшлар учун Янги йил карнавалини ўтказишга салмоқли ҳисса қўшилди. Карнавалда 29 та олий ўқув юртларидан жами 3500 га яқин талабалар қатнашди.

• 2 февраль куни «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги бошчилигида ўтказилган «Умид юлдузлари» фестивалининг 2-босқичида ҳаракат бўлимлари фаол иштирок этишди.

• 28 февраль куни «Бунёдкор» ёшлар телеклуби иш бошлади.

• Март ойида Тошкент шаҳрида мавжуд ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловлари, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

• 20 апрель куни Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар ва туман бўлими Кенгашлари қошида «Посбон» марказлари ташкил этилди.

• 12 май куни Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент ёшлари орасида «Касбим—фахрим» сайли ўтказилди.

•Июнда пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида Тошкент шаҳри мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг «Истиқлол умидлари-2002» битирув кечаси бўлиб ўтди. Кечада 28 мингга яқин битирувчилар иштирок этди.

• «26 июнь—Халқаро гиёвандликка қарши кураш куни» муносабати билан Тошкент шаҳрида жойлашган маҳаллалар, ўқув юртларида малакали нарколог, психологлар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилди.

• 30 июль куни Тошкент шаҳри ҳудудидаги маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорлари ва маҳалла педагог-тарбиячилари ўртасида «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори» ва «Энг яхши педагог-тарбиячи» кўрик-танловининг шаҳар босқичи «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ўтказилди.

• 1 август куни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.

• 2 август куни шахмат-шашка бўйича ўсмир ёшлар ўртасидаги турнирнинг Тошкент шаҳар босқичи «Бунёдкор» ёшлар телеклубида бўлиб ўтди. Ушбу мусобақа ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинади.

• Ноябрь ойида Тошкент шаҳрининг озодалигига ҳисса қўшиш мақсадида «Пойтахт тозалиги» ҳашари ўтказилди. Унда 100 га яқин «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этди.

### 2003 йил

• 10 январь куни Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Адлия бош бошқармаси, Никоҳ ва оила маросимлари маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёш оила қурувчилар» мактабининг «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маънавий асослари» мавзуидаги машғулоти бўлиб ўтди. Йил давомида ҳар ойда машғулотлар ўтказилди.

• 16 январь куни 2002 йилдан бошлаб анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва Ғ.Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи «Маънавият ва маърифат» бўлими билан ҳамкорликдаги «Мозий сабоси—қалблар садоси» илмий-амалий, адабий-мусиқали ёшлар мулоқот гурунгининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

• 25 январда Ўзбек Миллий академик драма театрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, «Экосан» халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳамда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида «Келажагимиз ва экология» умумтаълим мактаб ўқувчиларининг экологик кўрик-танлови ўтказилди.

## Йиллар сарҳисоби

• 11 февраль куни Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида Қурбон ҳайити муносабати билан 300 нафар ёш келин-куёвларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

• 25 февраль куни Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида «Нотиқлик санъати» мавзусида ёш нотиқларнинг кўрик-танлови ўтказилди.

• 9 март куни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида «Отам, онам ва мен» оилавий спорт мусобақаси ўтказилди.

• 16 март куни «Наврўз» ресторани майдонида Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида югуриш бўйича Тошкент шаҳар мусобақаси ўтказилди.

• 16 март куни Ўзбекистон Миллий университети майдонида «Экосан» халқаро жамғармаси, Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида югуриш бўйича енгил атлетика эстафетаси ўтказилди.

• Март ойи давомида «Марказий Осиё ва Кавказ—қадимги цивилизация бешиги» фотокўргазмалар танлови ўтказилди.

• 8-10 апрель куни Республика ўқувчилар саройи, Республика Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида «Улуғбек юлдузлари» ёш фазогирларнинг кўрик-танлови ўтказилди.

• 19 апрель куни «Экосан» жамғармаси ҳамкорлигида «Боғи-Эрам» маданият ва истироҳат боғида «Тошкент гуллари» экофестивали ўтказилди.

• 20 апрель куни Лотин Америкаси рақси федерацияси билан ҳамкорликда «Авиасозлар» маданият саройида «Гранд-азия» Лотин Америкаси рақси кўрик-танлови ўтказилди.

• 10-11 май кунлари Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Баскетбол федерацияси ҳамкорлигида 274-мактаб спорт майдонида «Камолот» кубоги учун баскетбол бўйича спорт мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

• 20 май куни Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида «Боғи-Эрам» маданият ва истироҳат боғида «Маҳалламиз болалари» кўрик-танлови ўтказилди.

• Июнь ойида «Пахтакор» марказий майдонида «Истиқлол умидлари-2003» битирувчилар фестивали ўтказилди.

• 13 июнь куни Ғ.Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Касбим—фахрим» ёш истеъдодларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

• 26 июнь куни «Халқаро гиёвандликка қарши курашиш куни» муносабати билан «Оғусиз дунё—ёшларга зиё» акцияси ўтказилди.

• 30 июнь куни Акмал Икромов туманида Обод маҳалла йили муносабати билан оилада тиббий маданиятни ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш бўйича А.Қодирий маҳалласи гузарида илмий-амалий тадбир ўтказилди.

• 25-28 август кунлари «Севимли шаҳрим» акцияси руку ни остида «Озода шаҳар» чиқинди йиғиш ва тозалаш тадбири тахминан ўн беш мингга яқин маҳалла ёшлари иштирокида ўтказилди.

• 1 октябрь куни «Талаба, ўқувчи, ишчи ва хизматчи ёшлар билан ишлаш» бўлими қошида «Зиёкор» маркази ташкил топди.

• Ноябрь ойи давомида «Севимли шаҳрим» акцияси рукни остида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари томонидан учтадан маҳаллаларда «Хазон йиғиш» тадбири ўтказилди. Ушбу тадбирда мингдан зиёд мактаб ўқувчилари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардор ва посбонлари ҳамда маҳалла педагог-тарбиячилари иштирок этишди.

• 14 ноябрь куни Мирзо Улуғбек туманидаги Файзулла Хўжаев маҳалласи ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХНБнинг 1-отряди қошидаги «Ёшлар спорт маркази»да Тошкент шаҳри ҳудудидаги маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган 29 ёшгача бўлган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардор ва посбонлари ўртасида оммавий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Тадбирда 110 га яқин сардор ва посбонлар иштирок этишди.

• 19 ноябрь куни Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 14 йиллигига бағишланган «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

• 7 декабрь «Бунёдкор» ёшлар телеклубида Республика Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган кўрик-танлов болаларнинг ҳуқуқий маданиятини, онгини ўстириш, ўз ҳуқуқларини билиш ва улардан фойдаланиш, уларни ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилди.

• 18 декабрь куни «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Тошкент мустақиллик йилларида» мавзуидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• Йил давомида «Бунёдкор» ёшлар телеклубида олий ва ўрта махсус ўқув масканларида таълим олувчилар иштирокида «Иқтидор» интеллектуал телеўйини «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигида бўлиб ўтди.

Давоми. Боши 3-бетда.

### БОТИР УБАЙДУЛЛАЕВ:

## «ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ, ҚИЛАДИГАН ИШЛАРИМИЗ ЭСА КЎП»

«Камолот» ёшларнинг хоҳиш, иродаси, фикрини, интилишини рўёбга чиқарадиган ташкилот. Туман мисолида оладиган бўлсак, «Камолот» бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, ҳаётдаги мисоллардан келиб чиқиб ёшлар ўртасида сўровномалар ўтказса, ёшларнинг фикри, ўй-интилишлари, муаммо ва камчиликлари ҳақидаги фикрини ўрганса, ишчи-ёшлар, талабалар, ўқувчилар фикрини жамлаб тавсиялар берса айни муддао бўлмайдими? Раҳбар аввало етакчи сифатида ёшларнинг муаммоларини ечиш бўйича нима иш қилдинг деган саволга жавоб бериши лозим. Биз ҳозир «Камолот»нинг ҳокимликда ҳам қандайдир органида овози бўлишини, олий ўқув юртлари етакчиларининг эса илмий кенгаш аъзоси бўлишига ҳаракат қилмоқдамиз. Ахир олий ўқув юртлари талабаларининг 90 фоизи ёшларку. Илмий кенгаш эса уларнинг энг олий органи. Демак етакчи талабалар фикрини ўша ерда айтсин, яъни талабалар ўртасида «Камолот»нинг ўзига яраша мавқеи бўлсин. Ўз овози, ҳақ-ҳуқуқи борлигини билган ёшгина бизнинг ортимиздан эргашади. Талабларга юқори стипендияларни бериш, хорижга ўқиш, тажриба алмашиш учун кетаётганларга кўрсатилаётган ёрдам ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш мумкин.

Ётоқхоналарда ҳам муаммолар етарли. Қани, у ерда «Камолот»нинг ўрни борми? Нима учун у ерларга кириб боролмаяпмиз? Биз улар билан доимий иш олиб боришимиз натижасидагина олдимизга қўйган мақсадимизга эришамиз. Ёшларни ҳаракат фаолиятига жалб қилиш, бошланғич ташкилотлар тузиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш, фаоллигини ошириш бўйича қилинган ишлар, муаммолар, камчиликлар бўйича кўрилган чоралар, режалар тўғрисида тўхталиш лозим.

Фаолиятимиз аниқ йўналишлар: ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга турли муаммолар ечимида кўмаклашиш, иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўргатиш, ўқув-кредитлар ва мустақил тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларга кредитлар олиб беришда ёрдам бериш, ёш оилаларни ва кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш ва бошқаларга қаратилган.

Амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, эътиборга лойиқ тажрибалар, сарфланган маблағ миқдори ҳақида алоҳида тўхталсак ярашади. Ҳали биронта жамоат ташкилоти бундай яхши қулайликка эга бўлмаган. Ташкилотимизнинг фаолият юритиши учун шахсан Президентимиз ва давлатимиз томонидан катта эътибор кўрсатилмоқда, керакли маблағ билан таъминлаб қўйилган.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, хизматга тайёрлаш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ҳам анча салмоқли ишлар амалга оширилган. «Сиз қонунни биласизми?», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» каби турли хил тадбир, кўрик-танловлар бор. Савол-жавоблар, викториналар, иншолар танловлари шулар жумласидан.

Энди ёшларнинг дин тўғрисидаги билимларини ошириш, динга муносабатини шакллантириш бўйича қилинган ишларга тўхталадиган бўлсак, йўлдан адашган нечта ёш «Камолот»нинг ёрдами билан тўғри йўлга қайтди. Дин уламолари, дин вакиллари билан ўтказилган учрашувлар ҳақида фикр юритилиши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ёшлар орасида тарғиб қилиш, улар ўртасида ишбилармонлик туйғуларини уйғотиш бўйича қандай ишлар қилинмоқда? Уларга тўғри маслаҳат, йўл-йўриқ бериш ҳам катта мадад ахир.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, бақувват, маънан етук қилиб тарбиялаш бугунги кун талаби. Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган барча ҳаракатлар замирида ҳам мана шу эзгу мақсад мужассам. Оддий спорт майдончасини қуриб битказиш ва уни ташлаб қўймасдан турли спорт мусобақаларини ўтказиш ҳам ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этишнинг соддагина бир кўриниши. Туманда қанча спорт клублари бор, ёшларнинг неча фоизи уларда шуғулланмоқда, барчанинг имкони борми, қатор саволлар ечимини аниқлаш ҳам бизнинг зиммамизда, бунинг учун ишлаш, таҳлил қилиш, ўрганиш лозим.

Вояга етмаган ёшлар билан аср кушандаси бўлган ОИТС, гиёвандлик бўйича олиб борилаётган ишлар, «Камалак» болалар ташкилоти ҳақида ҳам яна қанча гапиришимиз мумкин. Гапимни шу ерда мухтасар қилиб айтмоқчиманки, конференциялар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳали олдинда ишларимиз кўп, камчиликлар, раисларимиз нутқи, аудиториялар билан ишлашда тажрибанинг йўқлиги ўз устимизда ишлаш лозимлигини кўрсатмоқда. Ўзимиз мукаммалликка эришсаккина, ортимиздан ўзгаларни эргаштира оламиз. Президентимиз, давлатимиз томонидан тарбиявий-маърифий ишлар олиб борилиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган экан, бизнинг вазифамиз аввало ўзимиз олдимизга қўйилган мақсад-маслагимизни яхши тушуниб иш олиб бориш, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшишдир. Зеро бугунги кун ёшлари қийинчиликлардан қўрқмайдиган, эртаси учун масъулликни бўйнига олиб ишлай оладиган авлоддир. Уларга ҳамма ерда кўмакчи, қоқилганда тиргак бўладиган эса «Камолот»дир. Мен барча «камолот»чиларни катта байрам билан муборакбод этаман ва келгусида кўрсатиб ўтилган камчиликлардан ҳоли бўлган ҳолда учрашишни тилаб қоламан.

**Шоира МУҲАМЕДОВА ёзиб олди.**

***Мумтоз наволар, умрбоқий миллий куй-қўшиқлар асрлар мобайнида халқимизнинг бетакрор санъати, мусиқий тафаккури замирида яратилиб, нодир ижод намуналари сифатида аждодларимиз ва замондошларимиз маънавияти ва маърифатининг юксалишида тенгсиз аҳамият касб этган олтин меросдир.***

*Тадбирлар*

## ҚЎШИҚЛАР МЕҲРГА ЧОРЛАЙДИ

Куни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, шаҳар ҳокимлиги ва Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Маънавият гулшани» илмий-амалий, адабий-мусиқий ёшлар мулоқот гурунгининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Тадбирга таклиф этилган Мирзо Улуғбек номидаги академик лицей ва Ҳамза туманидаги тарих фанига ихтисослашган 216-мактаб ўқувчилари «Маънавият гулшани» даврасининг «Адабиёт, санъат ва маданиятимиз фахри» туркумида ўтказилган кечада тарихчи олим ва ҳофиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, тарих фанлари доктори, профессор Ҳожиакбар Ҳамидов билан учрашдилар.

— Ўтмишни билмай туриб, келажакни қуриб бўлмайди, деган фикр қанчалик тўғри ва ҳаққоний эканлигини ўқиб, ўрганиб, тарих билан юзлашганингиз сари тушуниб бораверасизлар, — деди жумладан Ҳожиакбар Ҳамидов. — Ер юзида 2000 га яқин миллат ва элатлар бор экан, уларнинг ҳар бирининг келиб чиқиш тарихи, босиб ўтган ҳаёт йўллари мавжуд. Маданият ва санъат эса халқ ҳаётининг таркибий қисмидир.

Энг эътиборли томони бугунги тадбир ёшларнинг тийрак ақли, тарихга бўлган қизиқишлари, уни чуқур ўрганиш йўлидаги интилишлари, мумтоз халқ қўшиқлари ва эстрада санъати ҳақидаги мулоҳазали фикр-ўйлари, ҳаққоний мунозара, баҳс юритишлари эртанги кунимизнинг зукко авлод қўлидалигидан далолат берди десак хато қилмаган бўламиз.

Ёшларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтириш, уларнинг мусиқий тафаккурини кенгайтириш, илмий ва ижодий салоҳиятларини ошириш, миллий санъатимиздан хабардор бўлишларига эришиш йўлида ўтказилаётган бундай ижодий учрашувлардан қатнашчилар катта маънавий озиқ олишлари шубҳасиз ва улар тез-тез ўтказилиб турилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

«Санъат ва ёшлар», «Қўшиқ меҳрга чорлайди» каби мавзуларда сўз юритилган ушбу даврада ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олдилар.

Зеро, олтин мерос намуналарини ўрганиш, ўзбек санъати ривожига ҳисса қўшиб келаётган санъаткорлар ижодидан бохабар бўлиш ҳар бир ёш авлод вакилининг бурчидир.

**Шоҳсанам МУРОДОВА.**

*Санъат*

## МУҲТАШАМ КОШОНАДА ЯЙРАШДИ

***Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши барча кўнгилларга илиқлик бағишлаш, муҳтожларга саховатли бўлишдек хайрли ниятларни амалга оширишга чорламоқда.***

Куни кеча муҳташам «Туркистон» саройида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ташаббуси билан катта хайрия концерти бўлиб ўтди. Унга шаҳримиздаги кам таъминланган, ногирон оила фарзандлари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан иборат 700 нафар куй-қўшиқ шайдолари бўлган болажонлар таклиф этилди.

— Меҳр ва мурувват йилининг эзгу ва хайрли юмушлар билан бошлангани меҳр-мурувватга муҳтож болажонларнинг кўзларида мана шундай қувонч ва шодликни кўришнинг ўзи кўнгилга кўтаринкилик бағишлайди,—дейди «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бошқарма бошлиғи Райим Убайдуллаев. — Ниятимиз Меҳр ва мурувват йилида савобли юмушларни, хайрия концертларини имкон борича кўпроқ ўтказиш, ногиронлар кўнглига озгина бўлсада шодлик, қувонч олиб киришдир. Токи имконияти чекланган, озгина нуқсон билан дунёга келган ёки тақдир тақозоси билан меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган фарзандларимиз ҳам мухташам кошонамизда дилдан яйраб, тўрт мучаси соғ тенгдошлари қатори ўйнаб-кулсинлар, шу юрт учун керакли эканларини ҳис этсинлар.

Тадбир қатнашчилари ёш, истеъдодли хонанда Абдували Ражабовнинг она-Ватан, меҳру муҳаббат, тинчлик-тотувликни тараннум этган дилтортар, шўх ва оҳанграбодек ўзига чорловчи қўшиқларини мазза қилиб тингладилар, рақсга тушиб бир олам шодликдан яйрадилар.

Тадбир сўнгида меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун чиройли байрам дастурхони тузалди. Эндигина санъат остонасига кириб келаётган ёшларимизнинг хайрия тадбирларида бажонидил иштирок этиб, бевосита ўзлари қўллаб-қувватлашлари кишини қувонтиради. Демакки, кўмакка муҳтожларга саховатли бўлишни мақсад қилган ёш иқтидорлар сафи ортар экан, санъатимиз осмони эзгулик тимсоли бўлиб янада ёрқинроқ порлайверади.

**Азиза МУҲАМЕДОВА**





***«Бунёдкор» ёшлар телеклуби «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва «Ёшлар» телеканали муассислигида 2002 йил 28 февраль куни ташкил этилган. Телеклуб ўз фаолиятини «Сиёсат», «Иқтисодиёт», «Журналистика», «Экология», «Спорт», «Халқаро таҳлил», «Маданият», «Ёш олимлар», «Ҳуқуқшунос», «Аср ёшлари» каби гуруҳларни очиш билан бошлади. Бугунги кунда ҳар бир гуруҳ ўз соҳаси бўйича фаолият юритиб, турли кўрсатув ва тадбирлар тайёрлаб келмоқда. Биз телеклубнинг ижрочи директори Азимжон МИРЗАЖОНОВдан бугунги кунда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.***

*«Бунёдкор»да бир кун*

# ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

— «Бунёдкор» ёшлар телеклубимизга шаҳарда жойлашган турли олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, ҳар хил соҳаларда ишлаб келаётган ёшлар аъзо бўлишган. Бундан ташқари, лицей, коллеж ва мактаб ўқувчиларига мўлжалланган «Аср ёшлари» гуруҳи ҳам фаолият юритмоқда.

Шу кунгача «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ёшлар учун уларнинг хоҳиш-истакларига кўра ижтимоий-сиёсий ёки маданий соҳадаги фаолияти ва муваффақияти билан ёшларга ўрнак бўлган шоирлар Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Хуршид Даврон, Зебо Мирзаева, Бобур Бобомурод, Му-саллам Умирова, санъаткорлар Фарруҳ Зокиров, Мадина Мухторова, Шуҳрат Қаюмов, Давронбек Эргашев, Лола Аҳмедова, Валижон Шамшиев, Фазлиддин Ҳусанов, илм-фан арбоблари Абдумажид Пўлатов, Эркин Акбаров ва бошқалар билан учрашувлар ташкил этилди. Шунингдек, АҚШ, Тожикистон, Япония, Қозоғистон элчихоналари вакиллари билан давра суҳбатлари ва дебатлар уюштирилди ва кўрсатув сифатида ёритилди. Ёшларни мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан яқиндан хабардор қилиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов, шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев ва йирик банк-молия ташкилотлари, сиёсий партиялар, таълим вазирликлари раҳбарлари билан суҳбатлар ташкил этилиши ҳам шулар жумласидандир.

2003 йил давомида телеклубнинг халқаро миқёсда «Афғонистон ёшларига Ўзбекистон ёшларининг тухфаси» лойиҳаси амалга оширилди. Афғон заминидаги ёшлар билан дўстона алоқаларни ўрнатиш ва у ердаги мактаб ўқувчиларини ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган ушбу лойиҳа дунё оммавий ахборот воситаларида эътироф этилди.

Ёшларда инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш мақсадида хайрия ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Телеклуб 22-меҳрибонлик уйини ўз оталиғига олган бўлиб, унда мунтазам равишда хайрия концертлари ва байрам дастурхонларини ташкил этади. Бундан ташқари, худди шундай саховатли ишлар 21-меҳрибонлик уйи ва SOS болалар маҳалласида ҳам амалга оширилди.

Телеклуб нафақат тележурналистика, балки матбуот ва радиожурналистика соҳаларини ҳам ёшларга ўргатиб келмоқда. «Бунёдкор» аъзоларининг турли мавзулардаги мақолалари «Фидокор», «Тошкент оқшоми», «Туркистон», «Молодежь Узбекистана», «Правда Востока» газеталарида мунтазам чоп этиб борилади. Шунингдек, «Ёшлар» радиоканали билан яқиндан ҳамкорликни ўрнатиб радиорепортажлар тайёрлаш борасида илк қадамлар қўйилди. Телеклуб ўзининг «Бунёдкор» номли хабарномасига эга бўлиб, унда нафақат гуруҳларнинг фаолияти, балки «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими фаолияти ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид таҳлилий мақолалар чоп этилади.

**Шаҳноза МАҲМУДОВА**
**ёзиб олди**

*Тенгдошларинг ижодидан*

## СОҒИНЧ

Қатра

Севгилим, мен сени жуда соғиндим. Мулойим кулишларинг, меҳрли нигоҳларингни қанчалар соғинганимни билсанг эди...

Сен-чи сирдошим, сен ҳам мени эслайсанми? Қишнинг қировли, оппоқ қорлар ерга поёндоз бўлган кунларида совуқни писанд қилмай соатлаб суҳбат қурганларимиз ёдингдами? Ёки баҳорнинг ширин шамоли эсган лаҳзаларда лолақизғалдоқ терганларимиз-чи? Курс ишини ёзишга қийналиб қолганларимда индамайгина кетиб эртасига ёзиб олиб келиб қўлимга тутқазганинг ва «Сенинг ҳеч қачон қийналишингни кўрмай» деганларинг ёдингдами? Нима дейсан, у кунларни унутиб бўларканми.

Келажак ҳаёт ҳақидаги ширин хаёлларимиз-чи, эсингдами? Мен шифокор, сен етук олим бўлиб, бир-биримизни ҳамиша ардоқлаб яшашга келишиб олгандик. Сен мени жуда авайлар, бир сўзимни икки қилмай барчасини бажо келтирар эдинг. Менчи, ёшликнинг учқур тулпорида парвоз қилиб, осмону фалакдан сенга боқар, «Сиз фақат дўстимсиз, шаҳзодам энди келади» дея ўз кўнглимда сен билан ҳазиллашар, сенинг жаҳлинг чиқишини мазза қилиб томоша қилар эдим. Эҳ, қанчалар нодон бўлган эканман.

Мени кечир, ўша вақтда юракларинг чил-парчин бўлаётганини сезмаган эканман. Тақдир бизни бошқа-бошқа йўлларга солиб юборишини, кераксиз ҳазилларим жуда қимматга тушишини билмаган эканман. Эссиз...

Менинг садоқатли, севимли дўстим. Вақт оқар сув экан. Ҳаш-паш дегунча беш йил ўтиб кетганини сезмай қолдик. Қачонки қўлимизга диплом олганимизда талабаликнинг олтин даври ўтиб кетганини англаб етдик. Битирув оқшомидаги ғамгин чеҳранг кечагидек ёдимда. Нега сен ўша вақтда қаттиққўлроқ бўлмадинг? Беғубор, покиза туйғуларимиз учун мендан жавоб талаб қилмадинг? Энди эса кеч, жуда кеч...

Севгилим, сени соғиндим! Илк бор сен совға қилган қип-қизил атиргуллар ифори ҳали ҳам димоғимда, кўнглимда, юрагимнинг туб-тубида. Тақдир, азизим тақдир, дейсанми. Нима ўзи бу тақдир дегани. Тақдирни одам ўзи яратмайдими? Нега сени жону жаҳоним билан сева туриб бошқа бировга турмушга чиқиб кетдим. Ахир сенсиз яшаш мен учун азоб эди-ку. Нима бу, манманликми ёки ўзни катта тутишликмиди? Билмадим, энди бу ёлғиз Оллоҳга аён. Фақат бир нарса, мен хато қилдим, жуда катта, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйдим.

Дўстим, сени жуда, ҳар галгидан ортиқроқ соғиндим. Юрагимда ҳайкалингни ясадим. Кўнгил бўстонининг адоқсиз гулзоридан даста-даста гуллар териб пойингга поёндоз қилиб тўшайман. Майли, қайда бўлсанг ҳам омон бўл. Фақат мени ширин хаёлларимдан, сени эслаб хотиралар билан яшашимдан бенасиб этма.

**Умида ЮЛЧИБАЕВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси**

*Сўз — делегатларга*

**Дилмурод ҲАСАНОВ,**
**«Ғалла-Алтек» очиқ ҳиссадорлик жамияти «Камолот» бошланғич ташкилоти етакчиси:**

— «Камолот» — бизни эртанги ҳаётга тайёрловчи, орзу ва интилишларимизнинг рўёбга чиқишида ёрдам берувчи ҳақиқий кўмакдош, чинакам таянчдир. Бугун ушбу ташкилотнинг бошланғич ташкилотлари нафақат ўқув даргоҳларида, балки ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам очилмоқда. Бу эса «Камолот» ёшларнинг турли қатламларига тобора кенгроқ кириб бораётганининг ёрқин мисолидир.

Ташкилот томонидан амалга оширилаётган ишлар ва бизнинг «Ғалла-Алтек» очиқ ҳиссадорлик жамиятимизда «Камолот»нинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиши учун яратилаётган шарт-шароитлар туфайли корхонамизда хизмат қилувчи ёшларнинг жамоатчилик ишларида фаоллиги, бирдамлиги, жипслиги янада ошиб, олдимизда турган муаммолар, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, уларнинг ўзларидан чиққан ғояларни амалга ошириш йўлида биргаликда ҳаракат қилмоқдамиз. Жумладан, яқин кунларда корхонамизда ишлайдиган ёшларнинг малака ва кўникмаларини ошириб бориш, олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлмаганларнинг билим олишларида ёрдам бериш мақсадида турли курслар, ўқув даргоҳларида ўқитиш, уларнинг жисмоний ва ақлий салоҳиятларини мунтазам равишда юксалтириш учун спорт клуби, тренажёр залини очиш, моддий жиҳатдан кам таъминланган ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ниятида хайрли ишларни амалга ошириш арафасидамиз.

**Мурод ЗУФАРОВ,**
**Сергели туманидаги 300-мактабнинг 11-синф ўқувчиси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Сардорлар маслаҳат кенгаши раиси:**

- Фаолиятимиз давомида айрим кишилар «Камолот» сенга нима берди?—қабилидаги саволларни ҳам беришади. Юртбошимизнинг бир гаплари бор: «Ватан менга нима берди, деб эмас, мен Ватанга нима бердим?» — деб яшамоғимиз керак. Дарҳақиқат, биз «камолот»чилар «Камолот» менга нима берди, деб эмас, аксинча, мен ўзим ташкилотнинг ривожланиши учун нима ишлар қилдим?» — дея фаолият олиб борамиз.

Бизни ишонч билан сардор қилиб сайлашган экан, албатта ўзимизнинг қандай ишларга қодир эканлигимизни, қобилиятимиз ва фаоллигимизни кўрсата олишимиз, тенгдошларимизни ҳам бунга чорлашимиз керак. Илк бор «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Низомини ўқиганимда «Ёшларни бирлаштириш» деган гапга унчалик тушунмаган эдим. Иш фаолиятим давомида ушбу фикрнинг мағзини чақиб олдим. Ҳаракатнинг шаҳар бўлимида сардорлар билан ишлар эканмиз, ўзимизни тутиш, ҳужжатлар билан ишлаш, иш юритишни, асосийси, масъулиятни ҳис этишни ўргандик. Мисол учун мен тақиб юрган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг кўкрак-нишони мени мактабимдаги 3500 дан ортиқ боланинг орасидан ажратиб туради. Бу эса ташкилот томонидан менга билдирилган ишончнинг намунасидир.

**Носир МАҲАМАДЖОНОВ,**
**Тошкент Молия институтининг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси:**

— Давр, замон, халқ дунёқараши ўзга бир янги йўналишга мослашаётган ҳозиргидек мураккаб бир даврда ўзининг икки ярим йиллик фаолияти давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз мавқеига эга бўла олди. Аҳолининг турли қатламлари орасига уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш, муаммоларини ижобий ҳал этиш орқали кириб бораётган «Камолот» бугун ёшларнинг фикрини шакллантирувчи, баркамолликка етакловчи, уларнинг ёрдамчиси, маслаҳатчисига айланиб бормоқда. Атрофдаги воқеа-ҳодисаларга, инсонларга доимо эътибор билан қарайдиган, уларнинг дарду ҳасрати, қувончларини ўз қалбида уларникидек сезадиган, Ватани, халқининг жаҳон саҳнасида юксалиши учун бор кучини сарфлашга тайёр турган — «камолот»чилар сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Эндиги вазифа фаолиятни янада жонлантириш, ривожлантириш, доимо сифат кўрсаткичларига интилишдир. Бунда эса кўнглида Ватан меҳри жўш уриб турган ёшларнинг ўрни беқиёс. Негаки фидойи инсонларнигина ўз атрофига бирлаштирган «Камолот»нинг келажаги порлоқдир.

## Шарқ дурдоналари

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...**

● Адолат ғоясини рад этиб бўлмайди. У одоб-ахлоқ, ақл-идрок қонунларидан, омма ҳаётидан келиб чиқади. Адолат бошдан охир ҳаёт уфуриб турган сўздир.

● Одам ўз қалбига қулоқ солиб, унинг адолатпарварлигига иқрор бўларкан, қанчалар боши осмонга етади.

● Холис ва сермулоҳаза одам ўз ҳукмини айтишга ҳеч вақт ошиқмайди.

● Адолат — давлатнинг бузилмас пойдеворидир.

**ҲИКОЯТ**: Луқмони Ҳакимдан сўрабдилар: «Инсоннинг барча гўзал фазилатларини йўққа чиқарувчи нарса нима?» Луқмони Ҳаким жавоб берибди: «Бахиллик ва адолатсизлик». Яна сўрадилар: «Инсоннинг барча айбларини, камчиликларини пинҳон этувчи нарса нима?» У жавоб берди: «Саховат ва адолатпешаликдир».

БАЙТ:

**Ҳар бир азоб-уқубатга**
**розиман, тайёр,**
**Лек адолатсизликдан**
**дил озор топмасин**
**зинҳор.**

● Беғам бўлманг, ғафлатда қолманг, ҳали навқирон, кучли экансиз, яхшилик қилишдан толманг.

**ҚИССА**. Оғир кунларда ўзгаларга ёрдам қилмоқ ҳамиша яхшилик мевасини беради. Куни келиб қилган яхшилиги эвазига бошқалардан яхшилик кўради. Бу борада эшак ва йўрға от ҳақидаги ҳикоят ўринлидир.

Эшак билан от йўлда бирга кетар эдилар. Ногоҳ эшак отга нидо қилиб деди: «Эй биродар, юкимдан озгинасини олмасанг, мен чарчоқдан йиқилиб ўлишим мумкин». Бироқ от унинг илтимосини қабул қилмади. Бироз юришгач, оғир юкка тоб беролмаган эшак йиқилиб тушди ва жон берди. Эшакнинг эгаси дарҳол пичоқ билан унинг терисини шилиб олди ва юк билан бирга отнинг устига ташлади. От ўзича ўйланиб деди: «Калтабинлигим ва бадфеъллигим туфайли мискин биродаримга ёрдам қўлини чўзмадим, оқибат унинг юки менинг устимга тушди».

БАЙТ:

**Нафинг агар халққа**
**бешак эрур,**
**Балки бу наф ўзингга**
**кўпроқ эрур.**

Баҳор байрамлари арафасида

# Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

*«Гулбаҳор» омонат турини таклиф этади*

*Йиллик даромад 50%*

*— пуллар 2004 йилнинг 24 февралидан — 5 мартгача қабул қилинади*
*— сақлаш муддати - 45 кун*
*— бадалнинг минимал суммаси — 50 000 сўм*

МИЛЛИЙ БАНК — ПУЛЛАРИНГИЗ САҚЛАНИШИ ВА ДАРОМАДЛИЛИГИГА КАФОЛАТДИР!

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 телефон рақамлари орқали ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин
www.nbu.com

*Бўш вақтингизда*

## АЙЛАНМА СКАНВОРД




**Газетанинг шу йил 20 февраль сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Белгиланган хонадан соат мили йўналишида:** 3. Григорян. 6. Биосфера. 15. Кайковус. 24. Ватерпас. 27. Боккаччо.

**Энига:** 4. Олтин. 5. Шариф. 10. Килограмм. 12. Шабнам. 13. Қандил. 14. Терма. 16. Ватар. 20. Мўйноқ. 22. Орипов. 23. Расадхона. 25. Ранда. 26. Пахса.

**Бўйига:** 1. Диплом. 2. Дамашқ. 7. Яйпан. 8. Игрек. 9. Осмий. 10. Платформа. 11. Мундарижа. 17. Кўкат. 18. Слюда. 19. Ровоч. 21. Қасида. 22. Омонат.

**Муаммонома**

**Очкич сўзлар:** 1. Ғолиб. 2. Штанга. 3. Меҳр. 4. Очко. 5. Уд.

Ҳикмат: Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади шерни бегумон.

**Бедил**

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзавтотеххизмат» очиқ акциядорлик бирлашмаси номига Тошкент шаҳар, Ҳамза туман ҳокимияти Савдо департаменти томонидан берилган УС № 000346 рақамли «Улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси» йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 327-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Махамадалиева Дурдона Сайдазимовна номига 2002 йил 20 июнда берилган O'R-ZN 1425307 рақамли таянч гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг ажримларига асосан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги банкротлик иш юритувига қабул қилинган корхоналар рўйхати:***

| Корхона номи | Х/С ажрими рақами | Санаси | Вақтинчалик иш бошқарувчиси |
|---|---|---|---|
| Нодирхўжа савдо | 10-0420/82 | 27.01.04 | Ишметов.Д. |
| Флум | 10-0420/209 | 19.01.04 | Темуров.К. |
| Омад-Кафолат | 10-0304/2958 | 10.02.04 | Раҳимов.Я. |

***Мазкур корхоналар кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2004 йил 1 март соат 10-00 да қуйидаги манзилда ўтказилади. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-а уй, 3-қават. Шайхонтоҳур ДСИ биноси, 307-хона, тел: 41-30-86. Ишни судда кўриш 11 мартда соат 10-00 да Тошкент шаҳар Х/С биносида тайинланган.***



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5576 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-307.

1 3456